

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING  
QARORI

**57** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
«Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятини  
янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил  
13 июлдаги 214-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида

Тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун аттестациядан ўтказиш-  
га зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор  
қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон  
Республикасида тренерлик фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбир-  
лари тўғрисида» 2012 йил 13 июлдаги 214-сон қарори 2-бандининг учинчи  
хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 7-сон, 53-модда)  
«2013 йил 1 январдан бошлаб» сўзлари «2013 йил 1 июлдан бошлаб» сўзлари  
билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-  
публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 31 январь,  
24-сон